

# Ифрод ҳажи | Фиқҳ дарслари (357-дарс)

Image not found or type unknown



19:00 / 11.12.2025 693

أهَب يُونَي، يَبَلُّ مَث، يَنْمُ هَلْبَقَتَو يِلْ هَرَسَيَفَّ جَّحْلُ اُدِي رَأْيِي نِ اِمُّ هَلْ لُ اُ: دِرْفُ مَلْ اَلْ اَقَو  
كَلَّ هَمَّ عَن لْ اَو دَمَّ حَلَّ اُنْ اِ، كَيْ يَبَلُّ كَلَّ كَيْ رَشَّ اَلْ كَيْ يَبَلُّ، كَيْ يَبَلُّ مَلَّ لْ اَلْ كَيْ يَبَلُّ: يِهَو، جَّحْلُ اَلْ  
كَلَّ كَيْ رَشَّ اَلْ، كَلَّ لُ مَلْ اَو

أَمْ حُمْ رَاصَفَ، زَاجَ دَارَ نِ اَو اَهْ نَمْ صُقْنِي اَلْ و

**Ифрод ҳаж қилувчи:**

«Аллоҳумма инний урийдул ҳажжа фа йассирху лий ва тақоббалху минний», дейди. Сўнгра ҳажни ният қилиб талбия айтишни бошлайди:

«Лаббайкаллоҳумма лаббайк, лаббайка лаа шарийка лака лаббайк. Иннал ҳамда ван-неъмата лака вал-мулк лаа шарийка лак».

**Бундан кам қилмайди, агар зиёда қилса, жоиз ва эҳромга киради.**

Ифрод ҳажи – ҳажнинг ўзинигина ният қилиб эҳром боғлаш.

Энди «Мухтасари Виқоя»да келган матнларни шарҳлашга ўтайлик.

**«Аллоҳумма инний урийдул ҳажжа фа йассирҳу лий ва тақоббалҳу минний».**

Яъни «Аллоҳим, мен ҳаж қилишни ирода қилмоқдаман, уни менга осон этгин ва қабул айлагин», дейди.

**Сўнгра ҳажни ният қилиб талбия айтишни бошлайди:**

**«Лаббайкаллоҳумма лаббайк, лаббайка лаа шарийка лака лаббайк. Иннал ҳамда ван-неъмат лака вал-мулк лаа шарийка лак».**

Яъни: «Лаббай Сенга, ё Аллоҳ, лаббай! Лаббай Сенга, Сенинг шеригинг йўқ, лаббай Сенга! Албатта, мақтов, неъмат ва подшоҳлик Сенга хос. Сенинг шеригинг йўқ».

**Эҳром ман қиладиган нарсалар**

عَلَّالِدَلْاَوْءَهَيَلِةَرَاشِلْاَوْرَبْلِلْذِيصَلْتَقْوَلْاِدْجَلْاَوْقُوسُنْفَلْاَوْتَفَّرْلَايَقَّتَيَف  
تَجِيْلْوَسْأَرْلَسَعْوَسْأَرْلْاَوْعَوْلْاَرْتَسَوَرْفُطْلْاَمَلَقْوَبِّيَطْلْاَوْءَهَيَلَع  
غُوبْصَمْلْاَوْءَمَامْغْوَطِيْحَمَسْبَلْوَهَنْدَبَرْعَشْوَسْأَرْقَلْحْوَأَهْصَقْوِيْمَطْخْلْاَب  
ءَوْلْاَوْزَدَعْبْاَلْءَبِيَطَب

**Бу ила эҳромга кирган бўлади ва у шаҳвоний иш, фисқ ва жанжал ҳамда қуруқлик ов ҳайвонларини ўлдиришдан, уларни овчига ишора ила кўрсатишдан ва йўллаб қўйишдан, хушбўй нарса истеъмол қилишдан, тирноқ олишдан, юз ва бошни тўсишдан, боши ва соқолини хитмий ила ювишдан, соқолни қисқартиришдан, соч ва бадандаги тукларни олдиришдан, тикилган нарса, салла ва хушбўй нарса ила бўялган кийим кийишдан сақланиши шарт. Аммо мазкур хушбўй нарсани ювиб ташлаб, изор ёки ридо қилса бўлади.**

Худди намозни ният қилиб такбири таҳрима айтган кишига намоздан бошқа нарса ҳаром бўлгани каби эҳром боғлаб, ҳаж ёки умрани ният қилган одам учун ҳам маълум нарсаларни қилиш ҳаром бўлиб қолади. Улар қуйидагилардан иборат:

**1. Шаҳвоний иш.**

Аёлига яқинлик қилиш ва шу ишга олиб борувчи амаллар. Яъни ўпиш, кучоқлаш, шунга тааллуқли гапларни гапириш.

## 2. Фисқ.

Аллоҳ таолонинг тоатидан чиқиш, гуноҳ ишларни қилиш.

## 3. Жанжал.

Шериклар, ходимлар ва бошқалар билан талашиб-тортишиш, жанжаллашиш ва шунга оид ишлар.

Ушбу ишлар Қуръони Каримнинг

الْحَجَّ فِي جِدَالٍ وَلَا فُسُوفٍ وَلَا رَفَثٍ فَلَا الْحَجَّ فِيهِمْ فَوْضَ فَمَنْ

«Кимки уларда ўзига ҳажни фарз қилса, ҳажда шаҳвоний нарсалар, фисқ ва жанжал йўқдир», деган оятига биноан ман этилгандир (Бақара сураси, 197-оят).

## 4. Қуруқлик ов ҳайвонларини ўлдириш, уларни овчига ишора ила кўрсатиш ва йўллаб қўйиш.

Аллоҳ таоло:

﴿تَحْشُرُونَ إِلَيْهِ الذِّبْيَ اللَّهُ وَأَنْفِقُوا حُرْمًا دُمًّا مَا الْبَرِّ صَيْدٌ عَلَيْكُمْ وَحُرْمٌ وَلِلسِّيَارَةِ لَكُمْ مَتَاعًا وَطَعَامُهُ، الْبَحْرِ صَيْدٌ لَكُمْ أَجَلًا

«Денгиз ови ва унинг таоми сиз ва йўловчилар баҳраманд бўлишингиз учун сизга ҳалол қилинди. Модомики, эҳромда экансиз, сизга қуруқлик ови ҳаром қилинди. Ҳузурда тўпланадиганингиз Аллоҳга тақво қилинг», деган (Моида сураси, 96-оят).

مُؤْضَعَبٍ، مَهْلٍ رِيَسَمِ يَفِ اُونَاكُمُ نَأْ: دَاتَقِ يَبَأْ نَعَامُهُ رِيَعُوْ مَلْسُمُوْ رَاخُبَلَا يَوْر  
تَدَحْأُو، يَسْرَفُ تَبْكَرَفٍ شَحْوَ رَامِحُ تِيَأَرْفِ: لَأَقِ، مَخْمَبَسِيَلِ مَهْضَعَبٍ وَمُخْم  
مَهْضَعَبٍ نَمَاطُوسُ تَسَلَتْخَافِ، يِنُونُ عِيَنَأْ أَوْبَافٍ، مَهْبُ تِنَعَتْسَافِ، حَمْرَلَا  
كَلَذَنَلِ سَفِ: لَأَقِ، أَوْفَشَافِ، هَنَمَ أُولَكُافِ، هُتَبَصَافِ، رَامِحَلَا يَلَعُ تَدَشَفِ  
رَاشَأُ وَأَ، هَيَلَعَلِ مَحِي نَأْ هَرَمَأْ دَحَأْ مَكُنَمَأْ: لَأَقِ، مَلَسَوَهُ يَلَعَلِ لَاصِي بِنَلَا  
«هَمْحَلْ نَمَيَقَبَ أَمَ أُولَكُافِ»: لَأَقِ، أَل: أُولَاقِ «هَأَهَلِ!

Имом Бухорий, Муслим ва бошқалар Абу Қатода розияллоху анҳудан келтирган ривоятда қуйидагилар айтилади:

**«Улар юришлардан бирида эдилар. Баъзилари эҳром боғлаган, баъзилари эҳром боғламаган эдилар. Бир ёввойи эшакни (қулонни) кўрдим. Отимни миниб, найзамни қўлимга олдим. Улардан ёрдам сўраган эдим, ёрдам беришдан бош тортдилар. Улардан бирининг қамчисини суғуриб олдим-да, эшакнинг устига бостириб бордим. Бас, уни овладим. Улар ундан едилар ва қилганларидан кўрқдилар. Кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан у ҳақда сўралди. Шунда у зот:**

**«Сизлардан бирортангиз унга ҳамла қилишни буюрдими ёки ишора қилдими?» дедилар.**

**«Йўқ», дейишди.**

**«Унда қолган гўштни ҳам тановул қилаверинглар», дедилар».**

## **5. Хушбўй нарса истеъмол қилиш.**

Шунингдек, мой суртиш, хино қўйиш, хушбўй совунлардан фойдаланиш, райҳон ва меваларни ҳидлаш ҳам ман қилинган.

مَلَسَ وَهَيْلَعُ هَلَلَا لِيَصِيَّبَنَّ لِي لِجَرَمَاقٍ : لَأَقُ ، أَمْ هَنْعُ هَلَلَا يَضَرَّرُمُ عَنَابِنَعُ  
هَجَامُنْ بَأَوْيْ ذِمَّرْتَلْ هَأَوْر . «لَفَّتْ لَأَشْعَشَلَا» : لَأَقُ ؟ هَلَلَا لَأُؤَسَّرَأِي جَأَحَلَلَا نَم : لَأَقُ ف

*Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:*

**«Бир одам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:**

**«Ҳожи қандай одам?» деди.**

**«Сочи тўзиган, хушбўй ишлатмаган», дедилар».**

*Термизий ва Ибн Можа ривоят қилишган.*

## **6. Тирноқ олиш.**

Аллоҳ таоло:

فَتَّهْمُ لِيَقْضُوا ثَمَّ

**«Сўнгра ўзларидаги кирларни кетказсинлар...» деган (Ҳаж сураси, 29-оят).**

Қурбонлик қилиб бўлганидан кейин ҳожига эҳромдан чиқишга рухсат бўлади. Шунда унинг учун эҳром вақтида мумкин бўлмаган соч олдириш ёки қисқартиришга, қўлтиқ остидаги ва бошқа жойлардаги тукларни, тирноқларни олишга изн берилади.

«...ўзларидаги кирларни кетказсинлар...» дейишдан мақсад шу.

## 7. Юз ва бошни тўсиш.

هَلَلُ لُؤْسٍ رَعَمٌ نَحَنَوَانِبَ نَوْرَمِي نَابِكُرْلَانَاكُ: تَلَاقُ، أَوْ نَعُهُ لَلِأَيَضَرَ شَائِعٌ نَعِ  
أَوْ سَأْرٌ نَمِ أَوْ بَابِلَجِ أَنْ أَدْحِ إِتَلَدَسُ، أَنْ بَ أَوْ ذَا حِ إِذِ إِفٍ، تَامُ حُمَمٌ لَسَوِ وَهِيَ لَعُهُ لَلِأَيَضَرَ  
عَ: حَامٌ نُبِ أَوْ دُوَادٌ وَبِأُ هَاوَرُ. هَا نَفَشَكَ أَنْ وَرَوَاجِ إِذِ إِفٍ، أَوْ هَجَّ وَ يَلَعِ

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

**«Отлиқлар бизнинг олдимиздан ўтарди. Биз эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга эҳромда эдик. Қачон улар тўғримизга келганларида биримиз жилбобини бошидан юзига тушириб оларди. Улар биздан ўтиб кетганларида уни очардик».**

*Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилишган.*

## 8. Боши ва соқолини хитмий ила ювиш.

«Хитмий» наботот бўлиб, у бош ва соқолни ювишда ишлатилган. У билан соч ёки соқол ювилса, улардаги жонзотларни ўлдирган. Шунинг учун эҳромдаги одам хитмий ила бошини ювиши ман қилинган. Лекин эҳромдаги одам хушбўй бўлмаган совун ва шунга ўхшаш жонзотларни ўлдирмайдиган нарсалар билан бошини ёки соқолини ювиши жоиз.

## 9. Соқолни қисқартириш ва соч олдириш.

Аллоҳ таоло:

مَجْلَهُ، الْهَدْيُ بِنَيْحٍ حَتَّى رُؤُسِكُمْ مَحْلُقُوا وَلَا الْهَدْيِ مِنْ أَسْتَيْسَرَ فَمَا أَحْصَرْتُمْ فَإِنَّ لِلَّهِ وَالْمَعْرَةَ الْحَجَّ وَأَتَمُّوا

**«Ҳаж ва умрани Аллоҳ учун тугал адо этинг. Агар ушланиб қолсангиз, муяссар бўлган ҳадий (вожиб). Ҳадий ўз жойига етмагунча сочингизни олдирманг»**, деган (Бақара сураси, 196-оят).

Соқолни қисқартириш ёки сочни олдириш ҳам шу ҳукмга киради.

## 10. Тикилган нарса, салла ва хушбўй нарса ила бўялган кийим кийиш.

مُخْمَلًا سَبَلِي أَمْ هَلْ لِي وَسَرَّ آي: لَأَقُ الْجُرَّ نَأ: لَأَقُ، أَمْ هُنَّ عُلَلِي ضَرَّرَ مُرْعَبَانِ ع  
تَالِي وَأَرْسَلِ أَلَو، مَأْمَعْلَلِ أَلَو، صُمُّ قُلُ أَسَبَلِي أَل: «ر: هَلْ لِي لُؤْسَرَلَأَقُ؟ بَأَيِّ ثَلَلِ أَمْ  
أَمْ هُنَّ طَقِي لَو، نِيَّ فُخْ سَبَلِي لَف، نِيَّ لَعْنُ دَجِي أَلْ دَحْ أَلْ فِخْ لَلِ أَلَو، سَنَ أَرْبَلِ أَلَو  
هُ أَوْر. «سُرُو وَأَنْ أَرْفَعُ زَلِ أَسَمَ أَيْ شَبَأَيِّ ثَلَلِ أَمْ أَوْسَبَلَتِ أَلَو، نِيَّ بَعْ كَلِ أَلِ أَمْ لَفَسَ أ  
ةَسَمَحْ لَأ

*Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади:*

**«Бир киши:**

**«Эй Аллоҳнинг Расули! Эҳромдаги киши қайси кийимларни кияди?» деди.**

**«Кўйлақлар, саллалар, шалворлар, кулоҳлар, махсиларни киймайди. Илло, биров кийгани шиппак топмаса, махси кийиб, ошиғидан пастидан кесиб олсин. Заъфарон ва варс теккан кийимларни кийманглар», дедилар».**

*Бешовлари ривоят қилишган.*

Умуман олганда, эркак киши эҳромга кирганда тикилган нарса кийиши мутлақо мумкин эмас.

Заъфарон – сариқ рангли ўсимлик бўлиб, у кўпроқ хушбўй нарса сифатида кийимларга суртилган. «Варс» ҳам Яманда ўсадиган сарғиш қизил ўсимлик бўлиб, хушбўй нарса сифатида ишлатилган. Ҳаж ва умра қилувчи шахс эҳром кийимига бу икки нарсани суртиши мумкин эмас.

Эҳромдаги эркак кишининг оёқларининг ошиғи ва уст қисми очиқ бўлиши лозим. Шунинг учун шиппаги йўқ одам махси кийишга мажбур бўлса, унинг ошиғидан устини кесиб ташлаши тайинланмоқда.

**«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.